



МИГРАНТЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ МУАММОСИНИНГ МЕДИА МАКОНДА АКС ЭТИШИ

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар

Университети 2-курс магистранти

Жабборов икромжон одилжонович

Мутахассислик: журналистика (олий журналистика курслари)

Илмий раҳбар:

Алижон Сафаров

*“ҳарбий ва спорт журналистикаси” кафедраси мудири, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (phd)*


магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

Аннотация: *Ўзбекистон Республикасида Конституцияда “ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга...”лиги белгиланиб қўйилган. Ушбу конституциявий кафолатни амалда рўёбга чиқарилишига қаратилган аниқ чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунда, шунингдек, бошқа бир қатор қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларида белгиланган. Соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитида меҳнат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг энг асосий меҳнат ҳуқуқларидан биридир.*

Калит сўзлар: *миграция, материал, хавфсиз ҳаракат, муҳожир, криминоген, сиёсий бошпана олишга номзод,*

Меҳнат муҳофазаси - инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган тадбирлар мажмуасидир (https://uz.wikipedia.org/w/index.php?title=Mehnat_muhofazasi&variant=uz-cyrl). Қонун ҳужжатларида меҳнат жараёнида қўлланиладиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора тадбирлари белгилаб қўйилади. Меҳнат қилувчи шахс хавфсизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилиятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шaroитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш хавфини олдини олиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишларга йўл қўймаслик кабилар меҳнат муҳофазаси олдидаги вазифалар ҳисобланади.

Жаҳон матбуотида мигрантларнинг мамлакатга кириб келгунича бўлган даври, кейинги ҳаёти, шaroитлари, яшаш тарзи, оилавий яшаётганларнинг ўзига ҳос жиҳатлари ҳақида эълон қилинаётган материаллар бисёр. Кейинги йилларда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шaroитларда ишлаш, малакали юридик ёрдам бериш мавзусини қамраб олган кўплаб материаллар эълон қилинмоқда.






ОАВдаги материаллар давлатимиз чет элларда меҳнат қилаётган фуқаролари борасида жиддий қайғураётганлигини очиқ-ойдин кўрсатиб беради.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида мигрантлар масалаларини ёритишда қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, муаммони ҳаққоний ёритишдан кўра шов-шувга кўпроқ урғу берилаётганлиги БМТни ҳам ҳавотирга солган. БМТ Бош ассамблеясининг қочоқлар ва мигрантлар муаммоларига бағишланган саммитида ҳам мавзунинг ёритилишида бир қатор камчиликлар борлиги таъкидланган ва журналистлар учун маҳсус қўлланма яратиш лозимлиги қайд этилган. Шундан кейин, 2016 йилнинг октябрь ойида Жакартада оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга бағишланган Халқаро форумда журналистларга миграция мавзусини ёритишга оид қўлланма тавсия қилинади (<https://nazaccent.ru/content/22215-v-svet-vyshlo-rukovodstvo-ro-osvesheniyu.html>). Қўлланмада 5 та асосий принцип кўрсатиб берилган ва мавзуга қўл уришдан олдин миграцияга оид қонунчиликнинг терминологиясини, “қочоқлар”, “сиёсий бошпана олишга номзод” каби бир қатор атамаларнинг фарқини билиш, провакацион контентдан қочиш мақсадида “оломон”, “оқим” ва “тўлқин” сўзларини ишлатишда эҳтиёт бўлиш лозимлиги тушунтирилган.

Медиа маконида меҳнат мигрантларига оид халқаро ҳуқуқ меъёрлар экспертлар томонидан шарҳланган материаллар жуда кўп. 2017 йил Москвада нашр этилган «Феномен трудовой миграции в изменяющемся мире» тўпламида “Меҳнат миграцияси” Халқаро альянсининг эксперт кенгаши аъзоси В.В.Комаровскийнинг “О трудовой миграции в современных условиях” номли таҳлилий мақоласи жой олган. (О трудовой миграции в современных условиях (Комаровский В.В. Сборник «Феномен трудовой миграции в изменяющемся мире», Москва, ИМЭМО РАН 2017г. С.17)) Олим шундай ёзади: “Миграция жараёнида ҳам, унинг алоҳида оқими ҳисобланувчи меҳнат миграциясида ҳам кенг қўламли ўзгаришлар мавжуд. Дунёда меҳнат миграцияси ҳодисасининг турли таркибий қисмларини ўрганиш нафақат таҳлилий, балки соф амалий жиҳатдан ҳам жуда муҳим...”

Эксперт шу тарзда меҳнат миграциясининг ўзига ҳосликларини таҳлил қилади, иқтисодий мигрантларнинг катта кўпчилиги бошқа жойга кўчиб ўтар экан, қабул қилаётган давлат томонидан кўмак беришига таянмаслигини, замонавий шароитларда меҳнат миграциясининг оилавий, маърифий, ижтимоий йўналишларини ўз ичига олган ҳодиса сифатида қараш жуда ҳам муҳимлигини исботлаб беради. У Жанубий Корея ва Канада мисолида ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг янги босқичи миллий меҳнат бозорларининг хажмига таъсир қилиши, Жанубий Корея ва Испанияни таққослаган ҳолда ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларнинг қабул қилувчи давлатларга айланиши, инқироз тўпланиб қолган муаммоларни юзага чиқариб, янги






реформаларни талаб қилаётганлиги каби бир қатор масалалар юзасидан ҳам ўзига ҳос фикрларни айтган.

“Молодой ученый” журналида олима Т.В. Дмитриеванинг “Халқаро меҳнат миграциясининг иқтисодий муаммолари” деб номланган илмий мақоласи эълон қилинган (Молодой учёный №50 (340) декабрь 2020 г). Дмитриева эксперт сифатида глобаллашув шароитида халқаро меҳнат миграциясининг жаҳон иқтисодиёти тизимидаги ўрни фаол равишда ўзгариб бораётганлиги туфайли, унинг муаммоларини ўрганиш йирик илмий марказларнинг вазифасига айланиб қолганлигини таъкидлайди. Миграциянинг иқтисодий томони маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига, қайта тақсимловчи жараёнларга, давлатнинг ички ва ташқи харажатлари ҳажмига ҳам таъсир кўрсатишини исботлашга ҳаракат қилади. Олима бир қатор муаммолар ҳақида ўз фикрини айтар экан, миграция жараёнлари соҳасидаги масалалар ва вазифаларни ҳал қила оладиган янги ташкилотларни шакллантириш, муҳожирларнинг катта гуруҳлари ҳаракати муаммосини ҳал қилиш учун халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини, бу борада жамоавий чораларни кўриш жараёнида, одамларнинг уйларини тарк этиш сабабларини ҳисобга олиш, хавфсиз ҳаракат ва ҳимояга алоҳида эътибор бериш кераклигини ҳам таъкидлайди.

“Rg.ru” сайтида “Российская газета”нинг сиёсий шарҳловчиси Валерий Выжutowичнинг “Миграция не влияет на безработицу” номли мақоласи эълон қилинган (<https://rg.ru/2022/02/10/valerij-vyzhutovich-migraciia-ne-vliiaet-na-bezroboticu.html>). У шундай ёзади (таржима): “Ички ва ташқи миграция Россиядаги ишсизлик даражасига деярли таъсир қилмайди. МБнинг Узоқ Шарқдаги бўлинмалари иқтисодчилари Мария Кудоева ва Иван Редозубов ана шундай хулосага келишди... Улар ўзларининг “миграцион оқимларнинг Россия ҳамда унинг минтақаларидаги иқтисодий фаоллик ва меҳнат бозорига таъсири” номли тадқиқот ишида мигрантларга мамлакатда ишсизликни кўпайтирувчи одамлар сифатида қаралувчи гоёни рад этишди. Мигрантларни “қабул қилувчи” 12 та ҳудуд (мегаполислар, Татарстан, Краснодар ўлкаси, Тюмени области) ва “берувчи” 21 та ҳудуд (Узоқ Шарқ ва Байкал орти, Шимолий Кавказ, Сибирь ва Волга бўйи) тадқиқ қилинди. Бу ҳудудларда миграция ёрқинроқ кўзга ташланади. Натижада миграциянинг салбий таъсири аниқланмаган”.

Ўзбекистон Республикаси нафақат ўз ҳудудида, балки чет элларга расман чиқиб, меҳнат қилаётган фуқароларини ҳам эътироф этилган халқаро қонун ҳужжатлари асосида ҳимоя қилади. Бироқ, норасмий, деган тушунча ҳам борки, бу тушунчага олималар М.М.Мирзакаримова ҳамда Ш.Олимжонова иқтисодий нуқтаи-назардан шундай аниқлик киритишган: “Норасмий бандликда ишчи ўрни кузатиш бирлиги ҳисобланади. Норасмий ёлланма ишчиларга меҳнат муносабатлари стандарт меҳнат қонунчилиги доирасига кирмайдиган, декларацияланмаган, ижтимоий ҳимоя, солиққа тортиш билан қамраб олинмаган иш ўринлари таклиф этилади ва йўл қўйиш мумкин бўлган





даражадан паст иш ҳақи тўланади.”(ММ.Мирзакаримова, Ш.Олимжонова. “Норасмий бандлик ва уни легалаштириш йўллари”. “Молия ва иқтисод” журнали, 2014 йил, 12 -сон)

Юқорида келтирилган маълумотлардан англашиладики, миграция жараёни икки турга бўлинади: расмий ва норасмий. Расмий миграцияда фуқаронинг чет давлатларда бўлиши, яшаши, фаолият юритиши у мансуб бўлган давлат томонидан ҳимояланади. Норасмий мигрант мамлакат ҳудудидан чиқиб кетишининг ўзиданоқ ҳамма ҳаракатларини норасмий тарзда амалга оширади. Бирор давлатга қуруқлик, сув ва ҳаво йўллари орқали ноқонуний кириб келади. Ноқонуний миграция миллий хавфсизлик, иқтисодий барқарорликка жиддий ҳавф солиши, криминоген вазиятнинг мураккаблашишига олиб келиши мумкин.

2020 йилнинг 7 май куни “Mehnat.uz” сайтида эълон қилинган “Меҳнат муҳожирлари эътиборда” номли мақоланинг мазмуни ҳам шу мавзуга қаратилган (<https://mehnat.uz/uz/news/mehnat-muhozhirlari-etiborda>). Унда “Бутун Ер юзини қамраб олган пандемия дунё мамлакатлари иқтисодиётининг барча соҳалари қатори меҳнат миграциясига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бугунги кунда миллионлаб муҳожирлар ўзга юртларда бу шароитга мослашишга мажбур бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вазирликнинг хориждаги ваколатхоналари мутассадилари меҳнат миграцияси билан боғлиқ муаммога алоҳида эътибор қаратмоқда,” дейилади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Россия Федерациясидаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси кўмагида “Ёрдам БОР” ҳештеги остида меҳнат муҳожирларига иссиқ овқат етказиб бериш ишларини амалга оширилаётгани, мазкур хайрия тадбирлари ташаббускорлари Давид Якобашвили ва Ян Яновский эканлиги айтилади.

2021 йилнинг 8 ноябрида “kun.uz” сайтига қўйилган “Беларусь ва Польша чегарасида юзлаб мигрантлар тўпланган. Варшава ҳарбийларни жанговар шай ҳолатга келтирди” мақоласи ноқонуний миграция миллий хавфсизлик, иқтисодий барқарорликка жиддий ҳавф солиши, криминоген вазиятнинг мураккаблашишига олиб келиши мумкин, деган фикримизга далил бўла олади (<https://kun.uz/news/2021/11/08/belarus-va-polsha-chegarasida-yuzlab-migrantlar-toplangan-varshava-harbiylarni-jangovar-shay-holatga-keltirdi>). Мақола “... Беларусь ва Польша чегарасидаги Брузги-Кузница назорат-ўтказиш пункти яқинида юзлаб қочқинлар тўпланди - Минск ва унинг қўшнилари ўртасида миграцион инқироз бошланганидан буён бу ерда қочқинларнинг бу қадар катта оқими кузатилмаганди. Беларусь ҳукумати яна бир бор Варшавани ноинсонийликда айблади, Польша мудофаа вазирлиги эса мамлакат чегаралари ҳимоя қилинишини маълум қилди”, деб бошланади.

Дунё ОАВсида меҳнат мигрантлари ҳаёти, уларга муносабатлар акс этган турли жанрлардаги материалларни истаганча топиш мумкин. Масалан, “Ubr.ua”





сайтида “Как жили трудовые мигранты в США” номли мақола эълон қилинган (<https://ubr.ua/ukraine-and-world/world/kak-jili-trudovye-migranty-v-ssha-220411>). “Translated.turbopages.org” сайтига қўйилган “Почему трудящиеся мигранты хотят работать в США, а не в других развитых странах, таких как Великобритания, Германия, Швеция или Дания?” мақола ҳам айти шу мавзуда (https://translated.turbopages.org/proxy_u/en-ru.ru.6dbe401f-62289c20-9759119b-74722d776562/https/www.quora.com/Why-do-migrant-workers-want-to-work-in-the-USA-rather-than-other-developed-countries-like-the-UK-Germany-Sweden-or-Denmark).

Меҳнат мигрантларига оид материалларни тайёрлаш жараёнида журналистлардан Декларацияда кўрсатилган позициялардан туриб ёритиш талаб қилинади. “Журналист меҳнати, унинг қайси жамиятда яшаши, қандай кучларга хизмат қилиши, қандай дунёқарашга эгаллиги ва қандай ғояларга содиқ бўлиши нуқтаи – назаридан ўлчанади”, дейди Т. Қозоқбоев (“Т.Қозоқбоев. “Журналистика асослари”, 188-бет..) Бу фикр айти ҳақиқат. Худди шу ўринда журналист позицияси маълум бўлади.

Фикримча, ҳар қандай материални, у интернет нашрида ёки босма ОАВдами, телевидение ёки радиодами, ишончилигига аҳамият қаратиш, ҳар қандай материал маълум бир мақсадни кўзлаган бўлишини унутмаслик керак. Материалларнинг айримларида шовинистик руҳ, айримларида воқеликни бўрттиришлар, айримларида фэйк-ёлғон маълумотлар мавжудлигига эътибор бериш шарт. Бу ҳолат алданиб қолмаслик, нотўғри фикрламаслик учун доимий равишда ўқиб- ўрганиб, нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда мавжуд қонунчиликдан хабардор бўлиб бориш зарурлигини англади.

ОАВлардаги мигрантлар ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммоси меҳнат миграцияси соҳасини янада такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни жонлантириш, миграцияни бошқариш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги янги тенденцияларни ишлаб чиқаришга туртки беради. Қолаверса, ҳар бир мигрант нима учун ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўла ўзлаштириб олиши лозимлигини ва айти мақсадда мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилаётганлигини билиб олади. Ҳар бир иш берувчи эса ҳар бир ҳаракати қонунларга асослансагина ҳам даромад, ҳам обрў топишини янада яққолроқ тушуниб олади.

Жамиятда эркинлик, адолат, тенглик кафолатланиши, инсон ҳуқуқлари ҳимояланиши, иқтисоди барқарор ўсиши учун мамлакатнинг ҳар бир фуқароси концептуал ғоя асосида ҳуқуқий саводхонликка эришиши жуда муҳим. Юксак даражада ҳуқуқий онгга эга бўлиш эса, ҳуқуқий билимни кундалик ҳаётда ўринли ва унумли қўллаш имконини беради.

Оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган мигрантлар муаммоларининг катта қисми иқтисодиётга тааллуқли. Бироқ, муаллифлар кўп ҳолларда чет эллик меҳнат мухожирларининг кучи мамлакат учун жуда ҳам зарурлигини таъкидлаган ҳолда ўзларининг фикрларига ўзлари қарши





чиқадилар. Бу ҳам иқтисодий кўрсаткичларга холис ёндошув кўринишида меҳнат мигрантлари ҳодисасига салбий муносабатни акс эттиради.

Журналистларнинг норози кайфияти мигрантларнинг маҳаллий аҳоли маданиятини қабул қилмаётганларида, оддий сўзлашув тилини билмасликларида, анъаналарга муносабатларда намоён бўлади. Аксар журналистлар мавжуд воқеликни омма орасида шухрат қозониш учун эмас, балки, бор ҳолича кўрсатишга ва ўз мажбуриятларини бажаришга интиладилар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Молодой учёный №50 (340) декабрь 2020 г

2ММ.Мирзакаримова, Ш.Олимжонова. “Норасмий бандлик ва уни легалаштириш йўллари”. “Молия ва иқтисод” журнали, 2014 йил, 12 –сон
ЗТ.Қозоқбоев. “Журналистика асослари”, 188-бет..)

